

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Агоев Шукрулло Сафарбоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Аминов Сухроб Алишерович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-босқич курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11147291>

Аннотация: Мазкур мақолада сўнгги йилларда аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи, статистик таҳлили ҳамда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: аёллар жиноятчилиги, жазо, жиноят кодекси, ижтимоий таҳлил, статистика

Article: This article discusses the criminalistic description, statistical analysis of crimes committed by women in recent years, and the reasons for the crimes committed by women and the conditions that made it possible.

Keywords: women's crime, punishment, criminal code, social analysis, statistics.

Аёллар томонидан ўзгалар мулкани талончилик, босқинчилик, фирибгарлик ва кўп миқдорда ўзлаштириш билан боғлиқ жиноятлар нисбатан кам ўчрайди. Аммо санаб ўтилган жиноятларда аёлларнинг ошганлигини кўришимиз мумкин.

Мулкни талон-тарож қилиш кўпинча уларнинг мулк билан боғлиқ вазифаларни бажариш билан боғлиқ. Харидорларни алдаш аёллар ўртасида кўпроқ кузатилади. Бунинг асосий сабаби аёлларнинг савдо, тижорат, умумий овқатланиш шахобчаларида ва аҳолига ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб хизмат қилишларидир. Шуниси, ажабланарлики, жавобгарликка тортилган аёлларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Мансабни суистемол қилиш жиноятларининг таҳлилидан маълум бўладики, муқаддам бу йўналишда аёлларининг пора олиш-беришда иштироки кўп бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб, улар орасида пора олиш ҳоллари кўпроқ учраб турмоқда. Бу аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолликларидан далолат беради. Ҳозирги кунда суд-хуқуқ, тергов соҳасида ҳам аёллар хизмат қилмоқда. Нима бўлганда ҳам аёлларнинг мансаб фаолияти билан боғлиқ жиноятлари ошмоқда.

Кейинги 15 йил давомида аёллар томонидан ўзгалар мулкани ўғирлаш жиноятлари ҳам ошган. Фуқароларнинг шахсий мулклари ҳамда хусусий мулкни ўғирлаш жиноятининг содир этилиши ачинарли ҳолатдир. Фуқаролар мулкни ўғирлаш кўрсатилган вақт оралиғида қарийб, 17-20 %га ошган. Давлат ва жамият мулкига тажовуз қилишда аёллар иштироки турлийилларда 5-8% га ошган. Ўғирлик жиноятининг аксари аёллар томонидан шаҳарларда содир этилмоқда. Яна бир эътиборли жихати шуки, ўғирлик содир этган аёллар муқаддам судланган шахслардир¹.

Аёллар томонидан қасддан ва куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятлари

¹ Криминология-ИИВ Академияси. Абдурасулова К.Р., 2006 йил Тошкент

ошганлигини кўришимиз мумкин. Жиноятчи аёллар сафида 1 % га яқинлари одам ўлдириш ва суиқасд жиноятларини содир этганлар, яна 1% тан жарохати етказиш ва 3 % ҳолатларда босқинчилик ва талончилик жиноятлари учраган. Агар умумий жиноятлар миқдоридан келиб чиқадиган бўлсак, аёллар қотиллик жиноятларининг 7-8 %ни ташкил қилади. Оғир тан жарохати етказиш 5-7 %, босқинчилик ва талончилик жиноятлари 16-18 %га ошган.

Умуман олганда жиноятчилик ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган айрим турларга бўлинади. Бу хусусиятлар айрим турдаги жиноятларнинг криминалогик тавсифи, сабабий боғланишларида ҳам, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш усулларида ҳам ифодаланади. Аёллар жиноятчилиги жиноятчиликнинг ана шундай алоҳида турларидан биридир. Жиноятчиликни жинсий белгига кўра фарқлаш, ҳеч шубҳасиз, ўринлидир, чунки аёллар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичлари ҳам, сифат кўрсаткичлари ҳам эркаклар жиноятчилигидан фарқ қилади.

Миқдорий хусусиятлар масаласига келсак, аёллар жиноятчилиги асрлар мобайнида эркаклар жиноятчилигидан орқада қолиб келган. Аёллар содир этадиган жиноятларнинг эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятлар билан ўзаро нисбати 1:8 ни (жиноятлар умумий сонининг 12,5% ни) ташкил этади. Ваҳоланки, мамлакатимизда аёллар сони эркаклар сонига қараганда кўпроқ.

Сифат хусусиятлари масаласига келсак, статистика аёллар томонидан тамагирлик ниятида ва зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар, шунингдек бошқа жиноятларнинг ўзаро нисбати эркаклар ўртасида юзага келган вазиятдан анча фарқ қилишини кўрсатади. Аёлларга хос бўлган микромуҳит ёки шароит таъсирида муайян даврда юзага келган ҳулқ-атвор тарзи ўз аксини топган жиноятлар фарқланади.

Шунингдек, аёллар жиноятчилигининг ўзгариш хусусияти ҳам ўзига хос бўлиб, эркаклар жиноятчилигининг ўзгариш хусусияти билан доим ҳам мос келмайдими. Масалан, аёллар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ўсиши доим нисбатан суст кечади. Аёл жиноятчи шахсининг криминалогик тавсифи ҳам ўзига хосдир. Одатда, уларнинг ўртасида катта ёшдаги шахслар аниқланган эркак жиноятчилар ўртасидаги

шундай шахсларга қараганда кўпроқ бўлади. Сўнгги йилларда жиноятчиларнинг ёшариши кузатилаётганига қарамай, юқорида зикр этилган тенденция ҳозиргача сақланиб қолаётир. Аёл жиноятчиларнинг маълумот даражаси эркак жиноятчиларга қараганда доимо юқори бўлган, бироқ илгари аёл жиноятчилар орасида олий малумотли шахсларнинг бундай юқори ўсиши ҳеч қачон қайд этилмаган эди. Бу аёллар жиноятчилигининг баъзи бир хусусиятлари ва фарқлари, холос.

Сўнгги йилларда умумий жиноятчилик қатори аёллар жиноятчилиги ҳам сезиларли даражада (+6,7) ўсди. Қуйидаги статистик маълумотлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 2000 йилда 7649 та, 2001 йилда 7654 та, 2002 йилда 8010 та, 2003 йилда 9305 та,

2004 йилда 9073 та, 2005 йилда 9685 тани ташкил этди. Ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига қарамай, аёллар жиноятчилиги ҳам жиноятчиликнинг умумий қонуниятларини ҳамда унда юз берган ўзгаришларни акс эттиради. У умумий жиноятчиликнинг кичик тизими сифатида амал қилади ва у билан узвий боғланган. Аёллар жиноятчилиги эркакларникидан орқада қолиб келаётганлигини асословчи бир

нечта назария мавжуд.

А.Кетле бу ҳодисани нафақат аёлларнинг жисмонан заифлиги, балки жамоатдан узоқдалиги, оилавий мажбуриятлар доирасидан кам четга чиқиши билан тушунтирган. Бироқ аёллар жамоат ҳаёти ва профессионал фаолиятга тобора фаолроқ қўшилишига қараб, шунингдек жиноятчиликда ўсиш юз берган даврларда умумий жиноятчилик таркибида аёллар жиноятчилигининг улуши доимо оз бўлиб қолган. У эркаклар жиноятчилиги улушидан бир неча баравар кам бўлган.

Бу ҳодисанинг бошқа бир изоҳи антропологик мактаб намоёндалари - Ч. Ломброзо ва унинг Россиядаги издоши П.Н.Тамовская томонидан илгари сурилган. Улар аёллар жиноятчилигининг фаоллик даражаси эркакларникига нисбатан пастлигини аёл организмнинг ўзига хосликлари, аёл табиати ва унинг маълум даражада «биологик норасолиги» (яъни жисмонан бақувват эмаслиги) билан изоҳлаганлар.

Бироқ фаннинг кейинги ривожланиши жиноятчиликнинг сабабий омиллари мажмуида ижтимоий ҳаёт шарт-шароитлари таъсирида шаклланивчи ҳолатлар устунлик қилишини кўрсатди. Аёллар жиноий ва умуман олганда, қонуний хулқ-атворининг шаклланишига айнан шу ҳолатлар айниқса жиддий таъсир кўрсатади. Бизнинг назаримизда, аёллар жиноятчилигининг биологик сабабларини ҳам, ижтимоий сабабларини ҳам фарқлаш мумкин. Айни вақтда, ушбу сабаблар бир-бири билан узвий боғлиқ. Аёлларга қадим замонлардаёқ оилани тебратиш ва рўзғор юритиш вазифалари юкланган, эркаклар эса овчилик ёки балиқчилик билан шуғулланган.

Ижтимоий вазифаларнинг бундай тақсимланишига жисмоний тенгсизлик сабаб бўлган деб фараз қилиш мумкин, бироқ, маълумки, жисмоний куч жиҳатидан эркаклардан қолишмаган амазонкалар ҳам мавжуд бўлган. Шу боис, эҳтимол тутилган жисмоний тенгсизликдан ташқари, жинсларнинг маънавий-руҳий фарқлари ҳам эркаклар ва аёллар вазифаларининг ажратилишига сабаб бўлган бўлса керак. Аёл она бўлиш учун яратилади, тегишли равишда унда бунёдкорлик хусусиятлари устунлик қилади, эркак эса, овчи ёки балиқчи сифатида, кўпроқ агрессив хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу аёллар агрессиядан бутунлай холи, эркаклар эса бунёдкорликка қодир эмас, деган маънони англатмайди.

Амалиётда ўзининг янги туғилган чақалоқларини тап тортмасданолдирадиган оналар ҳам, нафақат ўз зурёдини, балки асраб олинган болаларни ҳам тарбиялаб вояга этказадиган оталар ҳам учрайди. Гап шундаки, аксарият аёлларда жиноят содир этишга монелик қилувчи хусусиятлар устунлик қилади, чунки аёллар хулқ-атворини шакллантирувчи омиллар одатда оила билан боғлиқ. Оилани муҳофаза қилиш, унинг моддий фаровонлигини таъминлаш, қулай психологик муҳит яратиш кўпинча ота зиммасига тушади.

Бунда оила учун масъулият юки аввало аёл зиммасига тушади. Айни шу сабабли аёл ҳаёли жиноий фаолият билан кам боғланади, чунки у фарзандлари, оиланинг фаровонлиги ва бутунлиги учун ўз масъулиятини ҳис этади. Агар аёл жиноят йўлига кирса, у ўз оиласини хавф остида қолдиради, чунки аёл бу қилмиши унинг жазога тортилиши, озодликдан маҳрум қилинишига сабаб бўлиши, жазони ўташ пайтида эса оиланинг бузилиш эҳтимоли катта эканлигини, фарзандларини тарбиялаш ва вояга этказиш билан ким шуғулланиши номаълумлигини яхши тушунади.

Шунингдек, оилали одам жазодан бо'йин товлаши анча қийин кечади, чунки жиноят

қочиб яшириниш, яшаш жойини ўзгартиришга аҳд қилса, оиланинг мавжудлиги бу ниятни амалга оширишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, оилали одам жиноятни режалаштириш ва содир этиш учун вақт топиши ҳам қийин кечади, чунки оила юмушлари анча кўп вақтни олади. Санаб ўтилган сабаблардан ташқари, аёл жиноят содир этишига тўсқинлик қиладиган бошқа омиллар ҳам мавжуд.

References:

1. Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети. – 2009. Б. 66-69.
2. Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎЗР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.
3. Б.Б.Муродов. Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б. 34-40.
4. Б.Б.Муродов. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24
5. Б.Б.Муродов. Предварительное следствие в органах внутренних дел. Учебник. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. 395 Б.
6. Ш.Ш.Суюнов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журнали 10-сон. 01.10.2022 йил Б. 105-109.
7. Ш.Ш.Суюнов. Kompyuter texnika vositalari orqali sodir etilgan firibgarlik jinoyati turlari. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. 9.06.2023 йил <https://doi.org/10.5281/zenodo.8019653> Б. 45-48.
8. Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8019766> Б. 60-62.
9. Ш.Ш.Суюнов. Some aspects of qualifying drug-related crimes. Корея Республикасининг “Digital Fashion Conference” журнали 5.10.2022 йил Б. 13-15
10. А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда жиноят ишини тўхтатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар № 1 (2024).– 2024. – 314-320 б.
11. А.Т.Аширбоев. Жиноят ишини тўхтатиш тушунчаси ва аҳамияти. Эксперт-криминалистик фаолият: истиқболлар ва инновациялар мавзусидаги халқаро

конференция материаллари тўплами. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2023. – Б. 381-388.

12. А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш: Назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси № 1 (2024).– 2024. – 95-98 б.

13. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг бида туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини содир этиш изларининг юзага келиш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари. Сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали. 2023 йил.

14. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳнинг бида туриб ёлғон кўрсатув бериши сабаблари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2023 г.

15. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишнинг тактик жиҳатлари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2022 г.

16. А.Й.Абдуллаев. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар (Хоразм вилояти мисолида). Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2023 г.